

Америкалик мусулмон талаба ажабтовур тижоратга қўл урди



15:04 / 24.10.2018 2502

Одатда одамлар катта-катта маблағларни қўлга киритиш мақсадида тижорат остонасига қадам қўйишади. Остин шаҳридаги Техас университети (АҚШ) талабаси ҳам ажабтовур тижоратни йўлга қўйди. У одамларга ҳалол гўшт етказиб беришни мақсад қилди, деб [хабар бермоқда](#) The Daily Texan нашри

Техас университети ҳудуди ва унинг атрофида ҳалол гўшт харид қилишнинг имконияти йўқ. Кунларнинг бирида Маъаз Саййиднинг дўсти унинг отаси дўконидан ҳалол гўшт олиб келишини илтимос қилди. Маъазнинг отасида ҳалол маҳсулотлар сотиладиган кичик бир дўконга бор эди. Ҳалол гўшт сотиб олиш имконига эга бўлмаган дўстига ёрдам бериш истаги, Маъазнинг ўз тижоратини йўлга қўйишига туртки бўлди. Натижада Техас университети атрофида истиқомат қилувчи мусулмон талабалар учун ҳалол гўшт харид қилиб олиш имкони пайдо бўлди.

Техас университети штатдаги энг катта олий ўқув даргоҳи ҳисобланади. Бу ерда қарийб 55 минг талаба таҳсил олади. Талабалар Остинда барча истиқомат қилувчиларнинг 14 фоизини ташкил этади.

Саййид GroupMe ихтисослаштирилган илова орқали (*хабарлар билан гуруҳ алмашинувини ташкил этиш учун веб-сервис*) ҳалол гўшт учун отаси дўконининг прайс-варағини чоп этди. Мижозларнинг буюртмаси учун преysкурант тузиб чиқди. Бу ерда онлайн тарзда гўштга буюртма бериш мумкин бўлади. Буюртма тўплангандан кейин, мижоз унга маҳсулотни етказиб бериш учун тўловни амалга оширади. Гўшни етказиб бериш ҳозирча фақат якшанба ва чоршанба кунлари амалга оширилмоқда.

– Ушбу хизматлар – мусулмонларга ўзларини фуқаро сифатида эркин ҳис қилишларига имконият яратади, негаки улар шундоқ ҳам америка жамиятига мослашиш учун кўплаб қийинчиликларга дуч келмоқдалар, – дейди Маъаз Саййид. – Мен уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан ҳалол гўшни бемалол харид қилишларини истайман, негаки, бу мусулмонлар учун ғоятда муҳим нарса».

Саййиднинг мижозларидан бири Амна Маликнинг айтишича, ушбу хизмат унинг вақти тежалишига катта ёрдам бермоқда. Негаки, у авваллари ҳалол гўшт харид қилиш учун 240 км йўл босиб, штатдаги энг йирик шаҳар – Хьюстонга боришга мажбур эди. Бунда фақатгина йўлнинг ўзига – бориб-келиш учун 5 соат вақт сарф бўларди.

Маъаз Саййид келажакда тижоратини кенгайтиргани ҳолда, нафақат университет атрофида яшовчи талабалар, балки бутун шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатишни режалаштирмоқда.

***Islom.uz* портали таҳририяти**